

Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 273-ҳадис

6686-273 - عَنْ سَوْدَةَ - رَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهَا - قَالَتْ:

(مَا تَأْتَنَا شَاءْ فَدَبَغْنَا مَسْكَهَا، ثُمَّ مَا زِلْنَا تُبَدِّلُ فِيهِ حَتَّىٰ صَارَتْ شَنَّاً).

273- 6686. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Савда розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир қўйимиз ўлиб қолган эди, унинг терисини ошладик. Кейин унда набиз қилиб юрдик. Ниҳоят, у эски меш бўлиб қолди».

Изоҳ: «Набиз» - хурмо, майиз, асал, буғдой ва арпа каби мевалар, донлардан тайёрланадиган ивитма ичимлик. Унинг масти қиласидигани ҳам, қилмайдигани ҳам «набиз» дейилади. «Тило» - узум қайнатмаси, ҳанафийлар уни учдан бири кетгунча қайнатилган бўлади, деганлар. «Сакар» - олий нав хурмо ивитмаси. «Сиқма» - мевадан сиқиб олинган ичимлик. Мазкур ичимликлар масти қиласидиган хусусият олса, ҳаром бўлади. Булар набиз ичимлиги туркумига киритилмагач, набиз ичмасликка қасам ичган киши мазкур ичимликларни ичса, қасами бузилмайди.

Манба: hadis.islom.uz



